

Туркистон

Элим деб, юртим деб

ёниб яшаш керак!



1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 18 октябрь, чоршанба. №81-82 (14364)

СОҒЛОМ АВЛОД ҚАСАМЭДИ

Озодлик янглиғ кутлуг инъомдан Қароққа сизгас севинч ёшимиз. Соғлом авлод, деб берилган номдан, Оқ фотиҳадан кўда бошимиз.

Муқаддас бурчинг кўрсатиб кучин, Жонимиз фидо, Ватан, сен учун!

Иқбол тонгидан шабнамлар ичиб, Бугун меҳрингга ташна чечакмиз. Эрта самовий зафарлар кучиб, Келажингни яшнатажакмиз!

Муқаддас бурчинг кўрсатиб кучин, Конимиз фидо, Ватан, сен учун!

“АКЕЛ” болалар марказининг укув дастуридан

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Президенти Аҳмет Неждет Сезер 17 октябрь куни Президент Ислон Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги Хотира ва қадрлаш майдонини зиёрат қилди ва Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Туркиялик олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида Темурийлар тарихи давлат музейини томоша қилди. Бу ерда Туркия Президентига буюк бо-бокалонимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг давлати ва темурийлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.



Туркия Президенти Аҳмет Неждет Сезернинг Ўзбекистонга сафари музей зиёрати сўнггида фахрий меҳмонлар китобида дастхат битар экан, журналистларга

масалалар юзасидан Ўзбекистон томони билан фикрларимиз бир хил экани намоён бўлди, - деди у. — Мавжуд муаммоларнинг барчаси ҳал этилди, дейиш мумкин.

Шу билан Туркия Президенти Аҳмет Неждет Сезернинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Пойтахт аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов кузатиб қолди. Шу ернинг ўзида мамлакатимиз раҳбари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

— Туркия билан ҳарбий ва ҳарбий-техникановий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш кат-

та аҳамиятга эга, - деди Ислон Каримов. - Зеро, Туркия ҳарбий жиҳатдан қудратли давлат бўлиши билан бир қаторда, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ва халқаро террорчиликка қарши курашда бой тажрибага эга. Аҳмет Сезер билан музокараларда фақатгина бу масала билан чекланиб қолмаганимизни алоҳида таъкидламоқчиман. Биз икки томонлама муносабатларга доир қўлаб масалаларни кўриб чиқдик. Ўйлаётганимиз, ўтказилган музокаралар ва қабул қилинган ҳужжатлар яқин орада ўз самарасини бера бошлайди.

(ЎЗА)

ИШЧИ ГУРУҲ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари қўмитасида ёш авлод ҳаёти билан боғлиқ қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижросини ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича ишчи гуруҳнинг йиғилиши бўлди. Унда қўмита аъзолари, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди. Йиғилишни маъмур қўмита раиси, ишчи гуруҳ раҳбари Азамат Зиё бошқарди.

Таъкидланганидек, тўққиз йил аввал қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир. Ушбу Қонун қабул қилингандан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида кўпдан-кўп ўзгаришлар юз берди, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ҳаққимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилувчи талай янги қонунлар қабул қилинди. Энг муҳими, келажикимиз бўлган ёшларнинг дунёқараши, жамиятдаги ўрни масалаларида ҳам янги ёндашувлар пайдо бўлди. Қолаверса, янги давр ва вазифалар ёшларимизга ҳам катта масъулият юкламоқда.

Сўзга чиққанлар амалдаги Қонуннинг муҳим сиёсий-ижтимоий аҳамияти, ёшлар тарбиясида тутган муҳим ўрнини алоҳида қайд этиш билан бирга, бугунги кунда ушбу ҳужжатни қайта кўриб чиқиш, хусусан, ўтган йиллар давомида республикада рўй берган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда унинг янги таҳририни тайёрлаш зарурлигини таъкидладилар. Янги таҳрирдаги Қонун лойиҳасини яратишга кенг жамоатчиликни, айниқса ёшларни жалб қилиш лозимлиги айтиб ўтилди.

(ЎЗА)

ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

21 октябрь республика-мизда “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинган кун сифатида нишонланади. Бу йил ушбу санага бутун мамлакатимиз бўйлаб катта ҳозирлик кўрилмоқда. Жойларда илмий анжуманлар, байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Улардан бири Ўзбекистон Фанлар академиясида бўлиб ўтди. “Тилга эътибор — элга эътибор”

мавзуидаги маъруза илмий-амалий анжуманда тилшунос олимлар, ёзувчилар ва ижтимоий соҳа вакиллари иштирок этди.

Анжуманни ЎзФА президенти Б.Йўлдошев кичирди сўзи билан очди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун қабул қилингандан буён ўтган ўн бир йил давомида мамлакатимизда уни амалга ошириш борасида кенг қўламли иш қилинганини таъкидла-

дилар. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида она тилимизнинг мақоми олий даражага кўтарилди. Шу билан бирга ҳали ҳамма жойда ҳам атама-лар, иш юритиш қонун талаблари даражасида эмас. Бу ҳолат баъзи

илмий муассасаларда ҳам учрайди. Анжуманда бу борадаги камчиликларни тугатиш, тилшунослик бўйича илмий тадқиқотларни кўпайтириш, тил маданиятини тарғиб этиш ишларини кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг Давлат мас-лаҳатчиси А.Мелибоев сўзга чиқди.

(ЎЗА)

Шу сонга хабар

ЁМҒИР ОСТИДАГИ БЕЛЛАШУВ

Ўзбек кураши — ҳалол кураш. Бу дунёнинг турли нуқталарида ўтказилган мусобақаларда, беллашувларда ўз тасдиғини топмоқда. Пойтахтимизнинг Талабалар шаҳарчасида ўтказилган катта кураш мусобақасида билгида кучи, белида белбоғи

бор алпомишюракли талаба йиғитлар ўзаро куч сынашишди. Унда пойтахтдаги барча олий ҳамда ўрта махсус таълим муассасаларидан ташриф буюрган қарийб олти миш нафар талаба йиғитлар бухороча усулда кураш олиб боришди. Мусобақа вақтида

ёмғир тинимсиз ёққан бўлишига қарамай, полвонлар чексиз иштиёқ билан курашдилар. Гилламга чиққан ёшларнинг ажойиб усуллар билан ўз рақибларини доғда қолдираётганидан давра янада жонланарди. Қарийб беш соат давом этган муросасиз баҳсда

Беҳбуд БОТИРОВ

ҲИММАТ КАМАРИНИ БОҒЛАНГ

Пахтакор тумани Пахтакор ижара ширкатлар бошқармасида бу йилги пахта ҳосилини тез кунларда йиғиб-териб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳўжалик раиси Суннат Ўроқовнинг айтишича, қўлда терилган ҳар килограмм пахтага белгиланганидан икки сўм кўп ҳақ тўланади ва ҳисоб-китоб қилинади.

— Пахтачиликда меҳнат қилаётганлар асосан ёшларни ташкил этади, - дейди Суннат ака. — 865 гектар ерга пахта экилган бўлса, улар 70 та оилавий пудратга бўлинган. Шухрат Зоиров, Баҳодир Турғунбоев, Илҳом Кубоев сингари ёшлар ҳосилни тез йиғиштириб олишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Пардабой ТОҶИБОВ

МУСТАҚИЛЛИК КАШФ ЭТГАН ЮЛДУЗ

Спорт шарҳловчилари ва мутахассисларнинг фикрича, бизда истеъдодли футболчилар бор, аммо шаклланган футбол жамоаси йўқ. Эътироф этилган иқтидорли футболчиларимиздан бири — Миржалол ҚОСИМОВ шу кунларда Ливанда кизгин давом этаётган Осий чемпионатида Катар терма жамоаси дарвозасига жуда муҳим бўлган ягона тўпни киритди. Шу тўп туфайли терма жамоамизни мағлубиятдан сақлаб қолди.



Кеча Япония терма жамоаси билан бўлиб ўтган учрашув натижаси барчамизни қаттиқ ранжитди: ҳисоб 1:8. Биз маъмур рунда олдиндан тайёрлаб қўйилган ушбу фото-

суратни олиб ташламоқчи ҳам бўлдик. Аммо, инсоф билан айтганда, Миржалолнинг ўзбек футбол учун хизматларини эътироф этмаслик адолатдан бўлмас эди.

Умид қиламизки, терма жамоамизнинг 20 октябрда Саудия Арабистони терма жамоаси билан бўлиб ўтадиган учрашувида Миржалол Қосимов мухлисларни хушнуд этади.

ЯНГИ АСР СОВҒАСИ

XXI аср — ёшлар асри! XXI аср дунёси — ёшлар дунёси! XXI аср осмони — ранглар осмони: Камалак! XXI аср ёшларининг овози — “Туркистон” газетаси! Ниятимиз, XXI аср кутлуг келажак. Республикаимиз ёшларининг ягона ижтимоий-сиёсий газетаси — “Туркистон”га обуна давом этмоқда.

XXI асрда “Туркистон” газетаси замон билан ҳамнафас ҳолда барча мухлисларга, барча ёшларга ижтимоий-сиёсий йўналишдаги саҳифалардан ташқари “Ёшлар дунёси” ва “Камалак” саҳифаларини ҳам мунтазам тақдим этади. “Туркистон”га обуна бўлинг! Нашр индекси — 203

ФМТ-1		“Ўзбекистон почтаси” Давлат-Акционерлик компанияси									
АБОНЕНТИК		Газета	203								
ТУРКИСТОН		Нашр индекси									
		Обуна сони									
2001 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қаерга		(почта индекси)		(манзилгоҳ)							
Кимга		(Фамилияси, исми ва отасининг исми)									
ФМТ-1		Нашрга ўтказиш варақаси									
п.в		Жойи									
ТУРКИСТОН		Нашр индекси									
Обунани янги манзилга юбориш		Баҳоиси	сўм	обуна сони							
		Баҳоиси	сўм								
2001 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қаерга		(почта индекси)		(манзилгоҳ)							
Кимга											

— Азимжон Урдушев, суҳбатининг мамлакатимизда амалга оширилган давлат сибсатининг устувор йўналиши ҳисобланган ва шунинг учун ҳам прокурор нозоратининг муҳим қисмини ташкил этган ёшлар тарбияси масаласидан бошласек. Мустақиллик йилларида бу борада қандай ютуқларга эришилди, қандай муаммолар бор?

— Таъкидлаганимиздек, ёшлар масаласи, ёшлар сибсати Ўзбекистонда давлат сибсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилган. Аҳолисининг қирқ фоиздан кўпроғини ёшлар ташкил этган мамлакатда давлат табиий равишда уларнинг манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Шунинг учун мустақиллик эълон қилингандан кейин қабул қилинган илк қонунлардан бири ҳам "Ёшларга оид давлат сибсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун бўлган эди. Ёшларимизни билимли, касб-хунарли бўлиши, Ватанга садоқат билан хизмат қилишига ундаш, шу мақсаддаги барча саъй-ҳаракатларни рағбатлантириш ва қафолатлаш таъминлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз ифодасини топади.

Ёшларимиз муҳтарам Президентимиз Ислам Кариевнинг гапхўрлиги билан қамраб оlingанлиги ҳам мамлакатимизда ёшлар сибсатининг муваффақияти. Ўш таъминловчи бош омил эканлиги алоҳида қайд этиш керак. 1997 йил "Инсон манфаатлари йили", 1998 йил "Оила йили", 1999 йил "Аёллар йили" ва 2000 йил "Соғлом авлод йили" деб эълон қилиниши, булар асосида қабул қилинган давлат дастурлари, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва давлат доирасида амалга оширилган ишларни, ўтказилган тадбирларни дунёнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари ҳам эътироф этмоқда. Мустақиллик йилларида бошқарув ва раҳбарлик органларининг таркиби қобилиятли ёшлар ҳисобига ўзгарди. Жаҳоннинг энг нуфузли билим даргоҳларини тугатган, таълим олаётган иқтидорли ёшларимизнинг муваффақиятларидан барчаси ҳақли равишда фахрланамиз. Фан ва маданият, ишлаб чиқариш ва бунёдкорлик соҳасида ёшларимиз кўрсатаётган мўъжизалар Ўзбекистон келажаги ишончли қўлларда эканлигидан далолат беради.

Халқ, Ватан ҳар доим ўзининг навқирон ўғлонлари, жасур фарзандларига сунади. Ўзбекистон Конституцияси ва асосида қабул қилинган "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги ҳамда "Муқоабил хизмат тўғрисида"ги қонунлар ёшларимизда ватанпарварлик ҳислатларини ҳар томонлама камол топтиришга йўналтирилган. Ўзбекистон ёшлари қандай имкониятларга эга эканлигига яқинда Сароисиё ва Узун туманларида ҳамда Бўстонлик тўғрисида аскар йигитларимиз кўрсатган жасорат ёрқин мисол бўла олади. Президентимиз шу йилнинг 26 сентябрь куни расмий визит билан Бишкекка жўнаб кета туриб, журналистларга берган интервьюсида "Ҳар қандай ҳавфни бартараф қилишга қудрати етарли қуролли кучларимиз бор" деганларида аскар йигитларимизнинг ана шу салоҳиятини ҳам назарда тутганини яхши биламиз.

Мен оқориди ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қафолатловчи асосий қонун ҳужжатлари доира-

фаолиятининг ҳам муҳим йўналишини ташкил этади. Прокурорларимизнинг мактаблар ва ўқув юрталари билан ҳамкорлиги йил сайин яхшилана бормоқда. Жойларда прокураторнинг ташаббуси билан юридик лицейлар ташкил этилган. Ҳуқуқшуносларимиз бу лицейларда машғуллар ўтказиш, имтиҳонларда қатнашиш билан чегараланиб қолмасдан, бошқа ташкилий масалаларда ҳам мактаб маъмуриятига яқиндан ёрдам бериб келади. Прокуратура идоралари ота-оналик ҳам бундай лицейлар Бухоро, Термиз, Андижон ва мамлакатимизнинг бошқа бир қатор ҳудудларида фаолият кўрсатмоқда.

Прокуратура ходимларининг коллежалар ва университетлар аудиторияларида ёшлар билан учрашувлари ҳам амалий аҳамиятга эга. Республика Прокуратураси Ўзбекистон Миллий университети ёшлари билан мустақкам алоқа ўрнатган. Бу учрашувларда ёшлар

йилга нисбатан жиноят содир этган ёшлар ва ўсмирлар сони бир неча юзга кўпайган. Жорий йилнинг биринчи ярмида ҳам ўтган йилнинг шу даярига нисбатан улар томонидан жиноят содир этиш ҳолатларининг кўпайиши кузатилди. Энг ачинарлиси, ёшлар томонидан қотиллик, номусга тегиш, босқинчилик, гийҳвандлик, ўғрилик каби оғир жиноятлар содир этиш ҳолатлари ўсган.

— Афсуски, иймони суст, ис-тиқлол берган имкониятларни чуқур хис этолмаган айрим ёшлар диний экстремистик оғим тарофдорлари сафига қўшилиб, жиноят содир этмоқдалар...

— Ватан ҳимояси, мустақиллик учун фидойи бўлиш ёшларга қандай шараф келтиришини Сурхондарё тоғларида сарҳадларимизни босқинчилардан ҳимоя қилиб, мар-дларча ҳалок бўлган жангчилар ми-солида ҳаммаимиз кўрдик. Бунинг акиси ўларок, Ватанига, халқига, Президентига хиёнат қилиб, ўз уйига қурол кўтариб келган кимсалар-

нинг шу йил 15 сентябрда эълон қилган баёнотидаги би-ричи йилда ҳам ўтган йилнинг ҳам-ноан ўз-ўзига "Ўзбекистон ислом ҳаракати" дея ном қўйган ташкилот-нинг террорчи ташкилот деб эълон қилиниши диний-экстремизмга қар-ши Ўзбекистон давлати юрилтаётган сибсатининг халқаро миқёсда эъти-роф этилишига аниқ бир мисолдир.

— Азимжон Урдушевич! Ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги жиноят-чилик ва ҳуқуқбузарликнинг йўли-га тўсиқ қўйиш, умуман ёшларга дахлдор бошқа муаммоларни ҳал этиш учун нималарга аҳамият бе-риш керак, деб ҳисоблайсиз?

— Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида-ги жиноятчиликка қарши ҳуқуқ-тар-тибот идоралари, жумладан проку-ратура тизими муайян тадбир асоси-да бундан кейин ҳам изчил кураш олиб бораверади. Лекин ёшлар тар-бияси масаласига кенг жамоатчи-ликни сафарбар эти олаксамиз, ку-тилган самарага эриша оламиз.

Мен бу ўринда ота-она, мак-таб, маҳалла, ўқув юртал-ри тизимида муҳим ўрин-

ни келтириб чиқарган туб сабаб-ларни аниқлаб, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа масъул таш-килотлар билан ҳамкорликда улар-ни бартараф этиш чораларини кўриш керак.

Учинчидан, ўсмирлар ва ёшлар ҳимояга ҳамда қўллаб-қувватлаш-га муҳтож табақа эканлигини на-зарда тутиб, уларнинг ҳуқуқлари бузилиши ёки манфаатларига зар-ар етказилган ҳолатларга йўл қўймаслик керак.

Энг муҳими, бу тадбир-лар мавсумий эмас, доимий равишда ўткази-лишига эришмоқ даркор.

— Суҳбатимиз сўнггида XXI аср ёшлари ҳақидаги тасавур-ларингиз билан ўртоқлашсан-гиз.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ҳаммамиз учун жуда шиддатли ке-чди. Халқимиз иқтисодда ҳам, сиё-сатда ҳам, мафкурада ҳам бир неча ўн йилларга татигулик воқеалар-ни бошдан кечирди. Назаримда, шунинг учун ҳам ёшларимиз тез улғайди. Суҳбатимиз бошида таъ-кидланганидек, шунинг учун ҳам ёшлар ишонч билан масъулиятли вази-фаларга йўлланмоқда.

Миллий қадриятларга таяниб, дунёвий билим ва хунарларни эгаллаб олаётган ёшларимизнинг фазилятлари ҳақида соатлаб га-пириш мумкин. Аммо мен ёш дўстларимдаги битта фазилят алоҳида тўхталмоқчиман. Бу — ва-танпарварлик туйғусидир.

Сурхондарё тоғларида Ватан ҳимояси йўлида жон фидо этган ўғлонла-

римизнинг оналари аччиқ изти-роб, оғир айрилик устида туриб ҳам мардоналик билан истиклол учун кўксини қалқон қилган фар-занди ҳақида фахрлилик гапирган-ини ҳаммамиз телевизор орқа-ли кўрдик, эшитдик. Самарқанд-да, Фарғонада, Сирдарёда, Тер-мизда, бутун Ўзбекистонда минг-лаб бундай фидойи оналар яша-моқда ва фарзанд ўстирмоқда. Демак, минг-минглаб ватанпарвар ўғил-қизлар ҳаётимизга гуриллаб кириб келмоқда. Шундай фарзандлари бор эл асло кам бўлмайди.

Салим АШУРОВ суҳбатлашди

ЁШЛАР — ЮРТИМИЗ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Азимжон ЭРГАШЕВ билан суҳбат

сида мулоҳаза юритдим. Қонунлари-миз табиатидаги етакчи хусусият инсон-фурқаро манфаати устуворли-гини эътиборга олак, бу борадаги прокурор нозорати, аввало, ёшлар-нинг манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилганлиги аён бўлади. Шу маънода ёшларимиз эришаётган му-ваффақиятларда прокуратура хо-дими равишда ҳам муносиб улуши борлигидан ҳақли равишда фахрла-намиз.

Давлатимиз ёшлар учун, ҳар-жihatдан баркамол авлод-ни вояга етказмоқ учун жуда катта маблаг ажратади. Бу маб-лағлар жойига етиб бориши ва кузланган мақсадга сарфланиши, шарт. Республика прокуратураси, идоралари маблагларнинг мақсади сарфланиши масаласида жуда кат-та назорат ишларини олиб бормоқ-да.

Ёшларни, фарзандларимизни демократик жамият талабларига мо-над равишда ҳуқуқий саводхон қилиб тарбиялаш, қонунларимизни ҳурмат қилиш ва уларга амал қили-б яшашига ўргатиш бошқа ҳуқуқ-тар-тибот идоралари қатори прокуратура-

ўзларини қизиқтирган саволлар-га жавоб олибгина қолмай, ўз на-вбатда биз ҳам ёшлар муаммолари-нинг муҳим жиҳатларини аниқ-роқ тасаввур этиш имкониятига эга бўламиз. Кейинги пайтда про-куратура оммавий ахборот восита-лари ва матбуот ходимлари бил-лан мустақкам ҳамкорликда иш-лашга алоҳида аҳамият бермоқда. Матбуот, телевидение ва радио жуда катта ҳуқуқий тарбия минба-ри. Шунинг учун ундан самарали фойдаланиш ҳар бир прокуратура ходими олдида вазифа қилиб қўйилган. Буларнинг ёнига барча вилоятларда ва республикада бе-восита прокураторнинг ташаббуси билан чоп этилаётган ҳуқуқий нашрларни қўшсак, тизимимиз катта тарғибот-ташвиқот восита-ларидан фойдаланаётгани маълум бўлади. Бироқ шунга қарамадан жиддий муаммолар ҳам йўқ эмас. Агар 1998 йилдан ҳозирга қадар ёшлар ва ўсмирлар томонидан со-дир этилган жиноятлар диа-граммасига назар соладиган бўл-сак ўсиш юз бераётганини кўра-миз. Утган йили 1998

нинг жасадини одишни ҳатто қариндошлари ор қилганини ҳам кўрдик. Сотқинлик қисмати бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. Қад-риятларимизга бегона бўлган дин-ий-экстремистик оғим тарофдор-ларига нисбатан халқимиз ана шун-дай қатъий ҳукм чиқарди. Бу йўлдан адашган кўпгина ёшларни, уларнинг ота-оналари ва яқинларини ҳушёр тортирди. "Террорчи гуруҳлар тар-кибига адашиб кириб қолган Ўзбе-кистон фуқороларини жиний жа-вобгарликдан озод этиш тўғриси-да" шу йилнинг 6 сентябрда чиқар-илган Президент Фармонида сўнг кўпгина ёшлар авф сўраб ўз уйларига қайтмоқдалар. Бош эиғ келган бундай ёшлар тезроқ ҳаёт-да ўз ўринларини топиб олишлари учун ҳамма чораларни кўраимиз. Бироқ диний-экстремизм ҳали ҳаётимиздан таг-томири билан су-ғириб ташлангани йўқ. Узини му-ҳолифат санаб, қўшни давлатлар-да оч бўридек санғиб юрган бир ҳовуч жиноятчи тўдаларга нисбатан халқимизнинг, давлатимизнинг тў-тган йўли аниқ.

ни эгаллаши керак бўлган жамоат ташкилотларини назарда тутмоқда-ман.

Уйлаймизки, жамоат ташкилотла-рини бундан кейин ҳам ўз фаолиятла-рини ташкил этишда ёшлар маъна-виятига дахлдор долзарб вазифа-ларни ечишга алоҳида аҳамият бе-ради.

Бизнинг назаримизда, бу ва-зифалар куйидагилардан иборат бўлиши керак:

Биринчидан, ёшлар ўртасида олиб борилаётган мафкуравий иш-лар фақатгина қоғозларда ва юзаки бўлмасдан, амалий ишларда ўз ак-сини топиши керак. Шиорбозлик, қоғозбозлик ва чакириқлар даври ўтган. Юртбошимиз таъкидлаганла-ридек, мафкуравий майдонда бўшлиқ, танаффус ва юзакчилик бўлиши мумкин эмас.

Иккинчидан, жамиятда шундай муҳит вужудга келтириш керакики, унда вояга етмаганлар ва ёшлар то-монидан содир этилган ҳар бир жи-ноят ҳамда ҳуқуқбузарлик фавулод-да ҳодиса сифатида қараладиган бўлсин.

Ҳар бир жиноят ва ҳуқуқбузарлик-

Давлат раҳбарлари

АХМЕТ НЕЖДЕТ СЕЗЕР — ТУРКИЯНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ



Туркида президентликка профессионал ҳуқуқшу-носнинг сайланиши, айтиш мумкинки, мамлакат келажа-ги учун, айниқса, Туркия Европа Иттифодининг тўла-қонли аъзоси бўлиш ҳара-катида турган бир пайтда муҳим аҳамият касб этади. Шу йилнинг 5 майда Тур-кия президентлигига сайлан-ган Аҳмет Неждет Сезер бун-гача мамлакат Конституцион судига раислик қилиб келган. Янги Президентнинг тарки-ман ҳолини ўсиқча шундай келтириш мумкин: 1941 йилда Туркиянинг Афрон вилоятида ту-рулган. 1962 йилда Анкара университетининг ҳуқуқшунос-лик факультетини тугатган. Ҳарбий хизматни офицер си-фатида ҳарбий академияда ўта-ган. Уйланган, уч фарзанди бор. Мутахассисларнинг фикри-ча, Аҳмет Сезернинг Прези-дентликка сайланиши мамла-катдаги барча партиялар то-монидан қўллаб-қувватланган. Бунақаси Туркия Республика-си тарихида биринчи бор қайд этилган. Туркияда сайлов од-дидан ўтказилган умумий сўровномаларнинг натижасига кўра ҳам ҳар учта туркиялик-дан бири Сезер номзодини қўллаб-қувватлаган. "Анор" компанияси ўтказган сўровлар-да аса 83,4 фоиз аҳоли Тур-киянинг янги Президентга де-

моқрат ва ҳуқуқий, ижтимоий ҳолатларнинг ҳимоячиси бўли-ши керакики қайд этилади. Ик-киламасдан айтиш мумкинки, Сезер бу талабларнинг бар-часига жавоб бера олади.

Янги Президент катта сиё-сат борасида бир қатор ўга-ришлар киритишга бел болаган. Масалан, у Туркиянинг бутунлай демократик ислоҳот-лар йўлига ўтиш тарафдори. Бу борада Конституциядаги бир неча бандлардан воз ке-чишга тайёр. Янги Президент-нинг яна бир ташаббуси — у инсон ҳақ-ҳуқуқини, эркини ҳимоялаш борасидаги ҳалқаро мажбуриятларини тўла бажа-риш тарафдори.

Сезер шу қунларда Прези-дент маъмурияти сонини исқе-ртириш ва бу борадаги сарф-харажатларни кескин қаматти-риш ниятида эканлигини бил-дирган. Аҳмет Сезер мамлакат ички сиёсатида ҳам ўзининг теран ҳуқуқшунослигига эга. У жамоат-чиликни "Отатуркчилик" ва "Исламчилар" тоифасига бўлиш ниятида эмас. У проф-фессионал тажрибасига кўра, объектив равишда сиёсий етакчи бўлиш имконига эга. Аҳмет Сезернинг президентлик лаво-зимига кўтарилиши дунёнинг барча мамлакатлари томонидан ижобий бағрланди. АҚШ маъ-мурияти бунинг "Мамлакатнинг демократлашини учун янги бадам" ва Туркиянинг ЕИГА киришидаги кўприклардан бири сифатида бағрланди. Англия Сезернинг тажрибаси мамлакат-даги ҳуқуқий ва исқисодий ис-лоҳотларга яқиндан ёрдам кўрсатади, деб бағрланди.

Ушундан кўра, Аҳмет Сезернинг Ўзбекистонга ташри-фи ҳам яқин варақо мамла-катлар ўртасидаги алоқалар-нинг янада мустақкамлашини-га кенг йўл очади.

Абдумалик БОБОЕВ тайёрлади

"Камолот" ҳудуди

Ўзбекистон Республикаси Ёшларнинг "Камолот" жа-мгармаси ташаббуси билан бир қатор вилоятларда "Ин-новация" Халқаро илмий-амалий анжумани ўтказиб келинмоқда. Мазкур анжуман ўзининг навбатдаги иш-ини Бухоро вилояти ҳожимлиги, Олий мактаб хал-қаро фанлар Академияси, "Ўзбекистон" илмий-са-ноат, ташки иқтисод ва амалий ҳамкорлик ассоциа-цияси, Бухоро Давлат университети, Бухоро Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институ-ти, Давлат мулк қўми-таси билан ҳамкорлик-да Бухоро шаҳрида ўтказди. Анжуманда бир қанча хорижий давлатлардан ҳамда республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган олим ва мутахассислар иштирок этидилар.

Маъруза тезислари алоҳида китоб ҳолида чоп этил-ди. Китоб "Инновация-2000" деб номланади. Китобга ки-ририлган мақолалар ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида

Фан ва тараккият

баён қилинган. Тўпладан ўрин олган "Мурунгов XXI асрга дадил қадам кўймоқда" номли илмий мақолада Мурун-тов қони хомашё базасини бошқариш, кончилик ишларининг технологик жараён-ларини жадаллаштириш ва оммалаш-тиришга доир илмий-техника-вий муаммоларнинг бир қатор янги ечимлари кенг ёритилган.

УртаОсиё ҳудудиди сув та-қислиғи қучайиб бораётган даврда энг асосий муаммо — сувни тежаб сарфлаш техноло-гияларини яратиш ва уларни қисқа вақтда ҳаётга тадбиқ этишдан иборатдир.

Шунингдек, ушбу китобда бир қатор илмий тахлиллар ва зарур тақлифлар келтирилган.

Абқаром МАГДИЕВ, Республика "Камолот" жамгармаси матбуот хизмати раҳбари

Жиноят жазосиз қолмайди

... Боғот тумани прокура-турасига ариза кўтариб, ёшгина жувон кириб келди. Қонунга кўра, аризасини қабул қилишдан олдин у ёлгон кўрсатма бермаслик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят Ко-дексининг 237-моддаси билан таништирилди. Аёл ҳеч иккиламий аризасини қолдирди.

Уша қуни Фарҳод билан Эргаш Туркманistonнинг Газачак шаҳридан жуда кеч қайтишган эди. Питнак шаҳри бекатида икки қиз улاردан Ургангача олиб кетишларини сўрашди. Йигитлар Янгиариққа кети-шавтганини айтишса-да, қизлар, майли, йўлда ту-шиб қоламиз, деб, маши-нага ўтиришди. Йўлда ўзи-ни Насима деб таништир-ган аёл эрининг гийҳванд модда истеъмол қилишини, тинмай хўрлашини, бугун ҳам жанжаллашиб қолиш-гани ва унинг қалтаклари-дан қочиб келаётганини, ҳаттоки қун бўйи туз тот-маганини айтиб нолиди. Йигитларнинг Насимага раҳмлари келди. Уни оқ-атлантириш мақсадида йўлдаги ошхоналарнинг бирига олиб киришди. На-сима гам-аламини бироз бўлса-да унутиш учун ароқ ичгиси келди. Йигитлар унинг талабини муҳайб қилишди. Эргаш эса унга

улфат бўлди. Кайфи ошиб қолган, На-сима ўзининг ички дунёси-ни намойиш қила бошла-ди. Танишлари кўпчилигини, пулни арқакларга нисбатан кўп топишини, ҳозир Урганг-ча қандайдир "дори"ни олиб келиш учун бораётган-ини айтиб гўлдиради. "Дори" сўзини эшитган

май, Эргашнинг ҳужжатла-рини ўғирлаб олганди. Сира қутилмаганда эр-аси қуниёқ Насимани кўриб, йигитларнинг энса-си қотди. Бироқ аёл про-куратурага бориб шикоят қилганини, уларни қам-атиб юбориши, эл-юрт ол-дида шарманда қилиши, оиласини бузиши, ҳаттоки, билан тушунтириб, ўзининг жамғариб қўйган озроқ пули-дорлигини, шунни бе-риб туришини айтди... Нақд юз минг сўмини то-вламашилик билан қўлга ки-ритган (аниқроқ айтганда "иш битди") деб ҳисобла-ган) питнаклик Насима Ол-ланазарова прокуратурага олиб, йигитларга ҳеч қан-дай тавъоси йўқлигини айтиб, аризасини қайта-риб олишга уринди. Аммо гишт қолмади қўнганди. Насима прокуратурага ари-за бердандан сўнг, экспе-ртизадан ўтишдан қочиб юргайи қонун ҳимоячила-рида шубҳа уйғотиши мум-кинлиги — бу айёрлиги иш бёрмаслигини англаб етмаганлиги.

Насима Олланазарова жиноят устига жиноят со-дир қилди. Қонуний оғох-лантиришга белмасандлик билан қараб, тап тортмас-дан ёлгон кўрсатма берди. Янгиариқлик Фарҳод Эг-ашов ва Эргаш Рўзметовлар-дан "шантаж" йўли билан пул ундириб олди. Бу жи-ноятлари учун қонуний жа-зосини олди. Аммо Наси-манинг яна бири айтиб бор — у уч нафар фарзандининг келажагини барбод қилди. Унга бу жинояти учун жа-зо-ни ҳаётнинг ўзи беравера-ди.

Жиянбой НОРИМБЕТОВ, Боғот туман прокурори, Муқаддас ИСМОИЛОВА, журналист

Осиё чемпионати

БИРИНЧИ УЧРАШУВ: ДУРАНГ

Футбол бўйича навбат-даги Осиё чемпионати мусобақалари аввга чиқди. Зўрлар ютаётган, кучсизлар эса қилдан қийиқ ахтаришга тушди. Чемпионатнинг дастлаб-ки учрашуви, афсуски, биз ўзбекистонликлар учун қувончли бўлмади. Тўғри, футболчиларимиз мағлубиятга учрагани йўқ, бироқ галаба ҳам қилишолмади-да... 1:1 натижа балки рақиб — Катар терма командаси-ни қониқтирар, аммо бундан бизникилар қони-қис ҳосил қилишга ҳаққи йўқ.

Миржалол Қосимов жарима тўпини ҳар гал-гидек қойилмақом қилиб удалади. Табиий савол туғилади: Ўзбекистон терма командаси Катар-ни ютса бўлармиди? Мусобақа бошлангунга қадар бу саволга ҳеч ким аниқ жавоб бера олмас эди. Учрашув тугагач эса ҳамманинг шуурида "бе-малол ютса бўлар экан"

Нормурод МУСОМОВ, журналист

«Обуна — 2001»

"ТУРКИСТОН" НЕГА ЙЎҚ?

Навоий вилоятининг Нурута тумани марказида "Ну-рота-Самарқанд" автобусига чипта олдим. Йўлда зерик-маслик учун икчамгина газета-журналлар сотиладиган дўкундан газеталар харид қилмоқчи бўлдим. Бироқ мен қидирган "Туркистон" газетаси йўқ. Чунки бу газета жуда кам келар экан.

Дўкон сотувчиси Наим ака Ҳамидов қарийб йигирма йилдан бери шу касбада ишлаганини айтди. Наим ака-нинг айтишича, бу ерда ҳар бир газетанинг ўзига яра-ша харидори бор экану, бироқ Навоий вилоят матбуот тарқатиш марказидан газеталар етарлича келмас эмиш.

Бундай ҳолат республикамизнинг бошқа туманлари-да ҳам учраши мумкин. Энг муҳими, жойларда аҳоли талабини ўрганиш, бугунги ахборот ва янгиликлардан уларни ўз вақтида бохабар қилиш маҳаллий ҳокимият ва матбуот тарқатиш ходимлари зиммасига масъулият юклайди.

Намоз ҚАРШИЕВ

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

Ноҳақ отилган ўқдан Ватанинг биргина фарзанди умри зое кетса ҳам бу бутун юртта, халқнинг қалбига қадалган ўқ бўлади.

Мамлакатимиз жанубий ҳудудларига қарши кирмоқчи бўлган халқро террорчиларга қўшилиб курашда бир неча ҳарбий хизматчимиз, Андижоннинг Пойтуғидаги халқро террорчилар билан бўлган отишма чоғида эса бир ички ишлар ходими қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Ҳаммамизга алам қиладики ери — ана шу халқро террорчилар сафида ўзимизнинг қора кўзлар ҳам бор...

Бир нарсани аниқлаштириб олайлик: Душман — бошқа, хоин — бошқа. Ўзингдан чиққан душман — хоин. Хоин — душмандан хавфлироқ. Уша хоиннинг ҳам отаси, онаси, ака-укаю опа-сингилси, қавму қариндоши бордир. У шуларнинг баридан келган, уларга қўшиб, халқи, Ватанининг бахридан ўтган. Бир хилларининг умр йўлдоши, бола-чақаси ҳам бор. Очиғи, бу ерда "бор" сўзини ҳам ишлатгим келмайди, "бўлган" ёки "бўлмаган эди", десам, тўғрироқ назаримда. Чунки энди уларнинг ўзидан, қуруқ жисму жонидан бўлак ҳеч вақоси йўқ. На иймони бор унинг, на этиқоди, на эли бор,

ўйлаганда ҳам ҳар бир фуломни пайгамбар замонидаги ҳолатига қайтармоқчи бўлади. "Хизбут-таҳрир" чилар ҳам — ақидадарист. Улар исломнинг пайгамбардан кейинги бор йўғи ўттиз йилгина давом этган халифалик даврини кўрсатади.

Диний ақидадаристликнинг бу икки оқими учун ҳам ислом сиёсий ҳокимияти кўлга киритиш йўлидаги бир ниқоб, холос. Шунинг учун бу оқимларнинг муқаддас динимиз — исломга, иймон-этиқодимизга мутлақо алоқаси йўқ. Президентимиз Ислом Каримовнинг мана бу сўзлари уни унутмайлик: "Фундаменталистларнинг афвон ҳақидаги оломонбоп, жозибадор, аммо бақирок ва асоссиз даъватларига кўр-кўрона эргашувчилар ўзгалар иродасининг қўли бўлиб қолишини унутмаслигимиз шарт".

Диний экстремизм динни ниқоб қилиб, ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаш йўлида айриқонуний усуллар, аксарият, қон тўкиши йўли билан ҳаракатлар олиб боришни билдиради. Халқро терроризм — аслида, бошқароқ ҳодиса. Яъни у муайян сиёсий ёки иқтисодий манфаатлар йўлида халқро миқёсда босқинчилик ҳаракатлари олиб боришни аналтади. Лекин кўпинча диний экстремизм ва фундаментализм тарафдорлари халқро терроризм малайларига айланадилар.

Сурхондарёнинг Сариев ва Узун туманлари тоғларига айлан халқро терроризм намояндалари суқилиб кирмоқчи бўлди. Улар бу ерда ўзлари учун гийҳванд моддалар олиб ўтишга қулай йўлак пайдо қилмоқчи эдилар.

Душман чўчварани хом санабди. Уларга қўшилган Ватан хоинларининг ҳам кунни ер тишлаш билан яқун топиши аниқ эди. Шундай бўлди ҳам.

Инсонни ер боқадди. Она заманининг ҳар бир қаричи ҳам — Ватан. Бир марта туз тотган жойга юз бора сулом бер, деган нақл бежиз айтилмаган. Сур берган онадан, бир умр боқиб келатган заминдан қарздор — буюқ инсоннинг бурчи. Бу бурчини унутган одам учун она суги ҳам, она замини тузи ҳам ҳаром. Икки дунёси куйди деяверинг унинг.

Келинг, оғоҳ бўлайлик; токи манбаъд Ватандан хоин чиқмасин!

Султонмурод ОЛИМ, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари муовини

Ислом КАРИМОВ:
Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин.

Мазкур халқро анжуманда кўтарилган масалаларни шарҳлаб беришни сўраб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари, ЮНЕСКО динларро мулоқот маслаҳат кенгашининг аъзоси Шоазим МИНОВАРОВга мурожаат қилди.

— Юртимизда турани миллатлар яшаб келганлиги, турани динлар мавжуд бўлганлиги, ўтмишда ҳам, бутун дам унинг ҳудудда диний иншоолар бўлмаганлиги тарихчи олимлар ва диний арбоблар томонидан эътироф этилган. Тинчлик ва ҳамкорлик шери остида ўтган ушбу халқро анжуманда бу борада қандай фикрлар билдирилди?

— Маълумки, Ўрта Осиёда зардуштийлик, монийлик, буддизм, христианлик, ислом каби динлар мавжуд бўлиб, шўролар даврини истисно қилганда, турани миллат ва элат вакиллари ўзлари таллаган динга эркин равишда этиқод қилиб келганлар.

Ҳозир ҳам кўп миллатли мамлакатимизда Ислом динига этиқод қилувчи мусулмонлар билан бирга 17 диний конфессия вакиллари ақид, ҳамжиҳат бўлиб, кўнана ва қадриятларига амал қилишда давом этиб келмоқдалар. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида, айниқса ривожланган ва демократия тараққий этган мамлакатларда ҳам ана шу ҳолатнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Халқро алоқалар тез суратлар билан ривожланаётган бизнинг давримизда турани миллатлар ва элатлар сириндайдиган динларни, уларнинг маросимлари ва урф-одатларини библиш тинчлик ва дўстлик ишига ҳизмат қилганига шубҳа йўқ.

Динларро мулоқот Тошкент конференцияси доирасида ўтган "Динлар ва диний урф одатлар ўртасидаги ҳамкорлик", "Марказий Осиёда динларро мулоқот" мавзуларида семинарларда бу ҳақда алоҳида таъкидланди.

Конференция иштирокчилари ҳар қандай кўринишдаги диний экстремизм ва халқро терроризмининг қоралаб, уни ҳеч бир маданиятга, диний этиқодга, умуминсоний қадриятларга алоқаси йўқлигига алоҳида уруғ бердилар.

Айтиш лозимки, XX аср сўғишда пайдо бўлган ҳозир-

дин ва этиқод инсониятни доимо эзгулик ва аҳшилиққа даъват этиб келган. Бироқ XXI аср остонасида мурасасиз диний экстремизм халқро терроризм билан бирлашиб, чегара билмас ёвуз куч сифатида беғуноқ инсонлар бошига қулфлар келтирмоқда.

Яқинда пойтахтимизда ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказилган "Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида" халқро анжумани турли дин ва конфессиялар вакиллари динларро мулоқотга қорлади. Унда АҚШ, Франция, Россия, Эрон, Исроил, Ҳиндистон, Хитой, Ватикан каби 30га яқин мамлакатлардан диний арбоблар иштирок этдилар.

Конференция доирасида "Тавсиялар" маданият динларро ва маданиятларро мулоқот семинарида диний можабот кўпинча имсизликдан келиб чиқши ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

ЮНЕСКОнинг "Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида" халқро конгресси низоҳида Декларация ва Тавсиялар қабул қилинди. Унда барча динлар бош мақсад — тинчлик ва биродарликни қўллаб-қувватлаш тарафдорлигини эълон қилди. ЮНЕСКОнинг мазкур соҳасидаги вазифаси халқро ўртасида қардошлиқ ва ҳамкорликка қўмақлаштирдан

бундан 50-60 йил аввалги диний экстремизм ва фундаментализмдан бир неча баробар хавфандир. Негаки, дин ниқоби, остида сохта ғоялар, турли ақидадаристик шўролар билан қуролланган экстремизм, гийҳванд моддалар тарқатиш, қурол-яроғ савдоси, контрабанда ва халқро терроризм кўпилиб кетди. Афғонистон, Ҳазор, Филиппин, Индонезия, Югославия ва саёрамининг бошқа нуқталаридаги диний-этниқ можаболар, уруш-жанжаллар бунинг далилидир.

Айрим ёшларимиз диний саводсизлик туфайли сохта ақйда ва ғоялар

ДИННИНГ МАҚСАДИ — ЭЗГУЛИК

таъсирга тушиб қолишиш. Шу иншооларни баргарф этиш учун қандай ишлар амалга оширишмоқда?

— Обиқ Иттифок парчаланиб кетгандан сўнг МДХ мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда пайдо бўлган мафуровий бўлиқ мустақилликнинг дастлабки йилларида экстремистик руҳдаги миссонларнинг даъватлари, ақидадаристик мазмунидаги нашрлари билан тўлақонлиқ. Натижасида гийҳванд маълум қисми шундай оқимларнинг таъсирга тушиб қолганлиги аён бўлди.

Диний таълимни ривожлантириш, мазкур соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш, диний таълимчиларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қўшида Тошкент Ислом университети ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида Тошкент Ислом институти, 10 та ислом ўрта-мактусу билан юрти Рус православ чerkовининг 2 та семинарияси ва Протестант чerkовининг семинарияси фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда диний таълим муассасаларида 4200 дан ортиқ ёшлар дунёвий асосларини ҳамда дунёвий биланларни ўрганишмоқда. Яқинда Тошкент Ислом университетида ЮНЕСКО кафедраси очилиши катта воқеа бўлди.

Неъматулла МУҲАМЕДОВ сўхбатлашди

Ёшлиқ бахслари

Биз ёшлар фан ва таракқийнинг инкор этувчи сохта, диний даъватлардан чин исломий таълимнинг ажратиб библишимизга лозим. Бунинг учун эса аждодларимиз қолдирган маънавий меросни мукаммал ўлаштиришимиз даркор.

Биз ёшлар фан ва таракқийнинг инкор этувчи сохта, диний даъватлардан чин исломий таълимнинг ажратиб библишимизга лозим. Бунинг учун эса аждодларимиз қолдирган маънавий меросни мукаммал ўлаштиришимиз даркор.

Биз ёшлар фан ва таракқийнинг инкор этувчи сохта, диний даъватлардан чин исломий таълимнинг ажратиб библишимизга лозим. Бунинг учун эса аждодларимиз қолдирган маънавий меросни мукаммал ўлаштиришимиз даркор.

Ибодулла ТОШЕВ, талаба

Таълим ислоҳоти ЯНГИ АСР ЁШЛАР АСРИ БЎЛАДИ

— Президентимиз, ёшларимиз илм чўққиларини забт этиши учун биз уларга қанот беришимиз керак, деб таъкидлайдилар,- дейди Тошкент Автомобиль йўллар институти ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Сарвар ҚОДИРОВ.

— Мамлакатимизда таълимнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ҳамда ҳукуматимиз томонидан ёшларга алоҳида гамхўрлик кўрсатилаётганили бежиз эмас.

Жанубий Кореяга борганимда мамлакат ёшлари XXI аср бизнинг асримиз бўлади, деган руҳ билан яшаётганига гувоҳ бўлдим. Ўзбек ёшлари ҳам шу қайфият билан яшаши керак. Ахир, бизларнинг ҳам қонимизда етти иқлимга овозаси кетган алломаларнинг қони оқаяпти-ку. Бизнинг ёшларни ҳам қўлидан келмайдиган иш йўқ, менимча, фақат уларга шароит яратилса, бас. Иккинчидан, бундай ёшларни излаб топишимиз керак. Маълумотларга қўра, дунёдаги юз нафар одамдан атиги учтаси иқтидорли инсонлар ҳисобланишаркан. Дунё тараққийини ўшлар белгилайди. Мақсадимиз ана шундай ёшларимизнинг қобилиятини юзага чиқаришдан иборатдир.

Юртбошимиз ўзбек ёшлари кўп соҳаларда, жумладан иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ соҳаларида низоҳатда салохиятли эканлигини кўп айтиб ўтадилар. Институтимизда иқтидорли талабалар қобилиятларини рўёбга чиқаришлари учун барча шароит яратилган. Айни пайтда уларга захираси 365 минг нусхани ташкил этган кутубхона хизмат кўрсатаёттир. "Интернет", Электрон почта орқали талабаларимиз дунё билан тиллашмоқда. Бугунги кунда 3200 нафар талабага 310 нафар профессор, ўқитувчи илм сирларини ўргатишмоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлашни хоҳлардимки, икки йилдан бўён ТАЙИ қошида иқтидорли талабалар ва магистрлар билан ишлаш маркази фаолият кўрсатмоқда. Мамлакат бўйича фақат бизнинг олий ўқув юртимиздагина иқтидорли талабалар алоҳида гуруҳларда ўқитилган.

Жорий йилда олийгоҳимизнинг автомобилсозлик, автотранспорт, автомобиль йўллари, иқтисодий факультетларига ўн та йўналиш бўйича 800 нафар талаба қабул қилинди. Уларнинг математика ва инглиз тилларидан юқори балл тўплаганларидан алоҳида имтиҳон олинди. Ва ана шулардан 80 нафарини марказимиздаги махсус гуруҳларга бириктирдик. Айни пайтда 10 нафар талабамиз АҚШ ва Англияда таҳсил олмақда. Институтимизда эса 175 нафар магистр интеллектуал салохиятини оширмоқда. Бир гуруҳ олимларимиз иқтидорли талабалар билан ҳамкорликда излашни, кейинги йилларда автомобилларнинг тузилишини, ишлаш жараёнларини акс эттирган қўлланмалар, альбомлар, рангли плакатлар ва видеофильмлар яратдилар. Экспонатларимиз нафақат олий ўқув юртлири, балки академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун ҳам ўқув ускубий кўргазмалар материал хизматини ўтаб келмоқда.

Яна шуни фахр билан айта оламаники, олимларимиз бир неча йиллик излашларида натижасида ҳамма қўлайликларга эга бўлган "Сано" — биринчи ўзбек автомобили лойиҳасини яратишди. Ҳозирда ушбу автомобилни лойиҳаси тарадуудамизда...

Бундан ташқари Москва Давлат техника университети билан ҳамкорликда қўшама факультет очдик. Битимга қўра, иқтидорли талабаларимиз уч йил Тошкентда, тўртинчи йил эса Москвада ўқишда ва бакалаврлик дипломинин олиб қайтишда.

Биз амалга ошираётган ишлар улкан орзуларимизнинг дебначаси ҳисобланади.

Файзулла ЭШҚУЛОВ сўхбатлашди

Комил инсон қиёфаси СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Инсон фикри доимий ўзгариш, янгиланиш асосида мунтазам ривожланиб боради. Таваққур мукамаллик, инсон қомиллик сари интилади.

Давр ва муҳит қарашларга, нуқтан назарларга ўзгариш киритади, тахир қилади, уларни янгилаб боради. Эзгулик, яхшлиқ дароҳастининг илдизи чуқур. Инсон маънавияти шу илдиздан озиқланади.

Фикр яралибдики, маълотни қидиради. Қомил инсонни қўришни истади. Қомил инсон тунучаси гўё маънавият осмонидаги бир кўёшдирки, башариат унга интигани сари юксалиб бораверади.

Шарқда ҳам, Фарбада ҳам таваққур даҳолари қомил инсон сиймосини яхлит яратишни, қўришни истаганлар. Аристотель, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Наҳшбанд, Ғийбутовий, Улугбек, Навоий, Толстой, Тағор, Достоевский, Ганди... Қомил инсон қиёфасини бу улғу закийлар ўз таваққури ва ҳаёти билан тўлдириб келди.

Азиз газетхон! Сизнингча, янги мингйилликда, янги асрда ҳар жиҳатдан баркамол, янги идеалдаги ўзбек йигит-қизлари қандай бўлиши, масалан, кимга ўқашни, кимдан андоза олиши, кимга ҳавас қилиши керак? Сиз бугунги ёшларимизнинг идеалини, ёки, саволини бошқача қўлиш ҳам мумкин, идеалнинг ўзбек йигит-қизларини қандай тасаввур қиласиз? У машҳур спортчи ёки мактабда сизни ўқитган оддий ўқитувчи, танкили эстрада юлдузи ёки илк иштироқчи билан тилга тулган ёш кашфиётчи, шоир, адиб ёки қўли оғил шифокор, давлат раҳбари ёки оддий ишчи ва х.к. бўлиши мумкин. Энг муҳими, унинг табиатида, феъл-аъда, ҳаётида бугунги ёшларимизга ибрат бўлгудек қандай фазилатлар тажассуд топаган бўлиши керак?

Энг қизиқарили мактублар махсус руқн остида эълон қилиб борилади. Муайян мuddат ўтгач, эътиборга молик фикрлар умумлаштирилади ва таҳлил этилади.

Манзилимиз: Тошкент. Матбуотчилар кўчаси, 32. "Туркистон" газетаси

ХОИН — ДУШМАНДАН ЁМОН

на юрти.

Навоий бир ҳикоят келтиради, олтин қафасдан қўтилгандан кейин қабулар ўз уйини — инини излаб, қанчадан-қанча йўлларни учиб ўтади. Бораси, уйи бузилиб кетибди. Йўқ, барибир у шу ерга қўнади. Ахир у — Ватани. Бузилган бўлса, қайта қуриб олади.

Бу террорчи газанда ким? У ўз уйига, ўз юртига, ўз қавмига ўқ узаяпти. Бундан мuddаси нима? Унда мuddао нима қилсин? У хориждаги "ҳомий"ларнинг қўли, малайи, вассалом, бошқа ҳеч нарса!

Ёшларимиз орасидан шундай қимсалар чиққани ҳаммамизни сергақликка ундатади. Демак, ёв жим юрмас экан, Душман орамизга оралабди...

— Эй, ота, — дегинг келлади, — Сиз беҳабар, ганим эса болангизни бағрингиздан олиб оляпти, кўзингизни очинг, гафлатнинг ҳам чегараси бор! Гумроҳлик шунчамики, пушти камарингиздан бўлган фарзанд ўю фикрида не ёвуз ниятлар айлаиб юрганидан мутлақо хабарингиз бўлмас! Хабарингиз бўлса, туриб, уни бу йўлдан қайтармаган бўлсангиз, сиз ҳам хоинликка шериксиз.

Ота-она боласининг ўю фикридан беҳабар қолиши, унинг қайси йўлга кирганию нима билан машгуллигини билмаслиги — ўтакетган гумроҳлик. Лоақал, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидаги ота-оналар зиммасига юкланган мажбуриятни

ЎЗЛИГИМИЗДАН, ЎЗБЕКЛИГИМИЗДАН ЧЕКИНМАЙЛИК

"ҲИЖОБ" ЎЗБЕК ЛИБОСИ ЭМАС

Илк бор юзини рўмол билан ўраб олган аёлини кўрганимда бу ҳол менга негадир вақимали, кўрнмчан туюлди. Чунки ўшшоқимизда, ҳатто вилоятимизда бунақанги либос кийган аёлини ҳеч учратмаганман. Кейин суриштириб билсам, буни "ҳижоб" дейишаркан. Бу араб аёлларининг милади либоси саналиб, асосан иссиқдан пайдо бўлади. Агарда иссиқдан ҳимоялиниш учун бўлса, вилоятимизда бирорта ҳам аёл ҳижоб ёпинганини кўрмаганман. Яна бир жиҳати "номаҳрам"ларга юзини кўрсатмаслик бўлса, унда бунинг момоларимиздан мерос усуллари ҳам бор-ку? Назаримда, айрим аёлларимиз метёрини йўқотгандек. Сабаби, кўча-кўчаларда кузатганимда баъзилар бутунлай ҳаёлини унуттишаётган ёки ўзига жалб қиладиган даражада ўранишган бўлади.

Улугбек АБДУХОЛИҚОВ, Бойсун тумани

БУРЧ

Дин азалдан инсонларни Ватанга муҳаббат, садоқат, тўғри сўзликка қоралаб келган. Ҳақиқатдан дин одам ўлдирин-

дан, бировни ҳақига хиёнатдан, ниёбат-бўхтондан қайтаради. Ана шундай соф динимизни "ваҳобийлик" ёки бошқа бир оқимларга аралаштириб, бузуқ этиқодли ғоя билан халқ орасига кириб бораётганлардан нафратланаман.

Асли касбим дурадгор. Тўғри, олимлар айта оладиган сўзларни гўрича олмасам, бироқ она-Ватан олдидаги фуқароларни бачирани яхши англайман. Наҳот динни ниқоб қилган қимсалар халқ дуойибадидан, Ватан хоинлигидан кўрнмшаси? Ачинарлики, ўз тунишганинг, ватандошинг, биродаринг ўзини ҳам қарши бош кўтарса, фарзандларимиз онгини заҳарласа, чидаб бўлмас экан.

Мустақиллигимиз ва тинч, осуда зўятимизга раҳна соладиган ҳар қандай кучга қарши қатъий билан курашмоқ миллатдошларимизнинг муқаддас бурчидир.

Бахтиёр ИСМАТОВ, Қашқадарё вилояти


ЗАКИЙ ЗОТЛАР АВЛОДИМИЗ

Айрим ёшларимизга ўз таъсирини ўтказиб, уларнинг онгини заҳарлашга уринаётган "ваҳобийлик", "зиёбут-таҳрир" каби диний оқимлар ҳаётга энд бўлган фикрларни ўнда мужжасам этган. Масалан, ваҳобийлик оқимига мансуб ки-

"ЭЪТИРОЗЛАРНИ ХАМ КЎП ЭШИТГАНМАН"

Гурунг

Анвар САНАЕВ — бир ўғил ва бир кизнинг отаси. Одамлардаги ишончи кадрлайди. Кейин камтарликни. Ектирган ранглари оқ ва кулранг. Равон йўлда гизиллаб кетаётган машинада хонанда билан суҳбатлашар эканми, катта йўлга тушган ўзбек кўшиқчилиги ривожига бундан ҳам кўпроқ ҳисса қўшишга бел боғлаган хонандамизнинг айтишича, ўзбекча оҳанг ҳар қандай кишига хузур бағишлайди.



— Ўзбек кўшиқчилигида Анвар Санаев деган ном кутилмаганда пайдо бўлишига сабаб нима? — "Мени тушун" кўшигим мени бирдангина рўёбга чиқарди. Аммо бунга ҳеч қандай машаққатсиз эришганимда, ким биларди, ҳозир сиз билан суҳбат қилиб ўтирмаган бўлармикан... Фақат машаққат билангина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Кутилмаганда пайдо бўлишимнинг тўлиқ "айбодори" — менинг машаққатларим.

Малол келмасе айтингчи, ашаддий муҳлисларингиз сизни олқишлагани каби бизида кўшигингиз савияси билан боғлиқ эътирозларни ҳам эшитиб турасизми?

— Аввало, эътирофларни кўп эшитаман. Бу муҳлисларимга бўлган муҳаббатимни янада оширади. Шу билан бирга эътирозларнинг ҳам кўп гувоҳи бўлганман. Мен бунга ижобий қараган ҳолда, ўз хатомини такрорламасликка ҳаракат қиламан.

— Бугунги миллий кўшиқчилигимиз сизнинг тасаввурингизда қандай бўлиши керак?

— Миллий рух устун бўлиши керак. Лекин бу халқ йўлидаги кўшиқларни эстрада йўналишига солиб қўйлаш дегани эмас...

— Сизга шу пайтгача Анвар Санаев ҳақида қандай мишмишлар етиб келди?

— Ҳамма мишмишлар — яхшисизам, ёмониям етиб келган. Булардан фақат хурсанд бўламан. Чунки инсоннинг энг катта

фожеаси — элнинг назаридан қолиш. — Оилангизда рашк "масаласи" қандай ҳал этилади? — Дастлаб қийин бўлган. Ойна жаҳонда биринчи марта клип берилганда, кеннойингиз қўлларидан мен томонга убу нарса отилган. Бу ҳол бир-икки қайтарилди-ю, рафиқам буни барибир тўғри тушуниб етди. Ҳозирги пайтда кўшиқ ва клипларнинг энг ҳолис баҳолавчиси — рафиқам.

— Айтмоқчи бўлган гапларингиз... — Барча муҳлисларимни "Туркистон" газетаси орқали шу йилнинг 24, 25, 26 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида бўладиган концертга таклиф қиламан. Уларни янги кўшиқларим гулдастаси билан кутиб қоламан.

"Туркистон" муҳбири Шоди ОТАМУРОД суҳбатлашди



Бизни ўйлантираётган саволлар ИККИ КЎРИНИШЛИ ҚИЗ

Ишхонага ийманибгина кириб келган кизнинг юзидан йиғлаётган нур беихтиёр унга бўлган хурматини оширди. Абитуриент эканлигини, оғирчи туйғусига асир бўлиб қозғоқ қоралаганини айтиди. Маъқул бўлса газетанда эълон қилишимизни сўради. Ҳа, қизчақ бажонидил рози бўлдим.

Кунни кеча у яна келди. Бироқ, унинг бу келиши аввалгисига сира ўхшамас, аксинча менда чуқур таассурот қолдирган кизнинг бутунлай тескараси эди.

Европа либосларига бурканган, ҳали қайчи зарбини кўрмаган сочлар қирқилиб йилган, қарашлар ҳам буткул бўлакча... Ажабо!!! Инсоннинг бунчалик тез ўзгаришини илк бор пайқадим. Кизнинг бунчалик ўзгаришига сабаб нима экан? Сиз нима деб ўйлайсиз?

Зиёда АШУРОВА

Азиз набираимиз, умримиз давомчиси МАХСУМАВОНУ АБДУСАТТОРОВА! Ҳаётингизда энг қувончли дам — туғилган кунинг билан чин дилдан табриқлайман! Оллоҳ сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад берган бўлсин! Барча эзгу мақсад ва ниятларинг, орзуларинг амалга ошсин!

Сени ўпиб ва кучиб Рома ака, Роза опа ва Эльвира

"Туркистон" газетаси хусусий эълонларни арзон нарҳларда қабул қилади. Тел: 133-79-69

СЕН, МЕН ВА АЪЛОЧИ...

Болаликнинг сўнгги йилларини ортада қолдириб, катта ҳаёт сари одимлаётган пайтларимиз... Олам худди мўъжизалардан яралгандек, дунё кўзимизга сирли кўринади. Қалбимизда илк муҳаббат куртак очган онлар...

...Ун биринчи синфда ўқирдик. Синфимизда ҳам чиройли, ҳам аълочи, лекин жуда димоғдор йигит бўларди. Синфдош қизларнинг кўпчилиги унга пинҳона кўнгли қўйган эди. Мен ҳам... Унинг олдида ўзимни сипо тутушга, дарсларда яхши жавоб беришга ҳаракат қилардим. Уни қанчалар севмай, у менга шунчалар беларво эди.

Бир кун математика дарсида Сен тикилиб

турганини кўрдим. Жуда ғажиб келди. Сен дарс давомида менга кўп бора термулиб турардинг. Мен менга ўз севгимизни аълочи йигитни севардим. Сен менга ўз севгингизни тўғрисида гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлардинг, бироқ журъат етолмасдинг.

Кунлар ўтди. Мактабни тугатдик. Битирув оқшомида ҳамма рақса тушарди. Мен эса аълочи йигитга ўзимни ва-

мин кўрсатиш учун бир чеккада томоша қилиб турардим. Сенинг нигоҳинг эса менда. Секин олдимга келиб рақсага таклиф этдинг. Рад этдим. Севги тўла кўзларинг маънос тортиб қолди...

...Йиллар ўтди. Бу орада Сен ҳам, мен ҳам, барча синфдошлар ҳам оилали бўлишди. Бир кун тасодифан Сени кўчада учратиб қолдик. Сен ёлғиз эдинг. Менинг ёнимда эса бир пайтлар синфдош қизлар ошиқ бўлиб юрган ўша димоғдор аълочи йигит турарди. Сен у билан кучоқлашиб сўрашдинг. Лекин турмуш ўртоғим-

ҒУНЧА ОРЗУСИ

ОРА

Она дарёнинг тоши Тўғонда асло оқмас. Она — меҳр йўлдоши, Дилида нафрат ётмас.

Она — уйнинг чирогои, Ҳасан уй ҳам қоронғу, Она — меҳр будоғи, Ёмондир фарзанд доғи.

Онам-чун шеър битай деб, Майли, қолай мен тилдан. Онам меҳрин олай деб, Шеърлар битдим мен дилдан.

ҒУНЧА

Ҳаво майин, мусоффо бунча, Шабодога кўмилиб гунча, Ҳар тарафга таралар иси, Одамларнинг келар хаваси.

Ўша гунча орзу қилади, Етишмоқни истайди кўнгли. Катта бўлиб, улғайса агар, Онанинг бўлмоқчи кўли.

Қилай дейди она хизматин, Қозонласа агар хурматин. Ўсиб бўлса бир кун атиргул, Шод бўларди бу нозик кўнгли.

Шеърлар битган бу — ўша гунча, Онанига умир тилаб у дейди: — Туринг дунё тургуна.

БҒЛОҚ

Тоғ баргида минг йиллар Буйи қайнар булоқлар. Сув ичар қониб-қониб Қўй-қўзи ва улоқлар, Тошларни ёриб чиққан, Тоғга ўйилган бир нақш. Хосиятли ҳар булоқ, Суви гоят шифобахш. Айтинг, нечун булоқлар — Қайнаб чикмайди боғдан. Ахир, Оллоҳнинг ўзи Жой берган азим тоғдан.

Нодира НОРТОВА, Паркент туманидаги 11-мактаб ўқувчиси

ҚАЛБИМДА ҚОЛ ҲАҚИҚАТ

Қалбимда уқундек қақнади юлдуз, Милтиллаб қоларди гар кўрса кундуз. Қалбимни умрбод нурафшон айлар, Ифода этмоққа тилимдир охиж.

Кетаятман биламд бир қир устида, Нотўғри қадамдан тушиб кетаман. Кўрганлар ҳам ажиб хайратда, Тушиб кетмасин-да, дерлар албатта.

Қалбимдаги юлдуз қуёш бўлади, Ёвузлик қасрини ваёрон қилади. Ватанинг хонини номрад кимсалар, Бегона тупроқда хор-зор бўлади.

Кетаятман кўнглимга севинч тўлади, Ундан-да нарида яшар яхшилар. Улар томон етарман албат, Кўнглим мени шул томон бошлар.

Келинлар, дўстларим! Қалбдаги қуёш, Она — юрт эртаси учун порласин. Фарзанд деб тўқмасин ҳеч ким кўз ёш, Қўшини тўсувчи бўлут бўлмасин.

Дилафрўз АЛИКУЛОВА, Жиззах вилояти Пахтакор тумани 8-мактаб ўқувчиси



"ТАТИРАДИШАН" ФАСЛАР

Ўтириб-ўтириб уйланасан киши. Табиат ҳам гапирармикан-а? Фасллар, дарахлар, гуллар, осмон, қуёш, юлдузлар... ой. Албатта, гапирарди. Бунинг учун хаёл отига минишининг кераги йўқ, фақат қалб сўза билиши лозим. Қизиқ-да, табиат ва унинг фарзандларига нима ёқини билиш. Мен буни табиатдан сўраб кўрмоқчи бўлдим ва унинг фасллар ҳақидаги ажайиб ҳикоясини эшитдим.

Менинг қиш, баҳор, ёз, куз деб аталмиш кўйлақларим бор, дея сўз бошлади табиат. Ҳар бирининг ўзига яраша чиройи, зеб-зийнатлари, нақшлари бор. Айниқса, куз бошқача. Олтинранг матога пишиқчилик ипларида кашталар тикилган, уларнинг орасида эса тарвуз, қовун сингари хилма-хил қимматбаҳо жавоҳирлар қадалган. Шамол эса кўйлақ устидаги ҳарир мато. Булут бу матога ўралган кундуз

ёқади. Кундузнинг ёқасига дурлар қадалган, лекин бу дурлар мустаҳкам қадалмаган шекилли, тез-тез узилиб кетади ва ер билан битта бўлади. Бу ажайиб кўйлагим билан бирга мен доимо тақиб юрадиган қуёш деб аталмиш олмос туморим бор. Бу туморнинг шундай сөхрли кучи борки, у борлиққа ўз нуруни сочиб ёритади, иситади, унинг тафти билан ўсимликлар барқ уради. Куз кўйлагимни кийганим учун унинг кундуз ёқаси бу туморни тўсиб қолади, шунинг учун ҳам баъзан кўринмай қолади.

Эҳ-ҳа, табиатнинг бу кўйлаги ҳақидаги ҳикоя ҳали анча давом этади, шекилли. Зеро, табиат ҳар доим бир либосда юрмайди, уларни алмаштириб туради.

Наргиза ТҲУЛИЕВА, Республика "Нафис санъат" лицейи ўқувчиси



нинг менга нисбатан совуқ муносабатидан кўнглинг ранжиди. У билан сўрашардинг, нигоҳларинг менда эди. Кўзлар тўқнашди. Шу лаҳзада сенинг нигоҳингдан мени қаттиқ севингани, менинг қарашларимдан эса адашганлигимни пайқаш жуда осон эди. Биз хайрлашдик.

Умида ТУРСУН қизи, Бухоро вилояти

Викторина саволлари

Викторина саволларига жавоб, сурат-жумбоқларга изоҳ жўнаётган ёшлар ДИҚКАТИГА!



"Ишларим жойидамин?", Ҳага толдим бегубор. Шунга одам сукланиб Қарагини, бир гап бор...

- 1. Эшак қачон от бўлади?
2. Товуқ икки оёғи билаң турса, 11 кило чиқади. Бир оёқда турса-чи?
3. Бир одам йўлда кетаётган экан... топиб олибди. Ҳўш, у нима топиб олган?
4. Товуқ тухум қўётганда нима учун қақағайди?

Викторина саволларига жавоб, сурат-жумбоқларга изоҳ жўнаётган ёшлар ДИҚКАТИГА! Ёшлар дунёси нинг сирли соғаваларига талабдорлар сони тобора кўпаймоқда. Қуйида муҳлисларимиз томонидан сурат-жумбоққа йўлланган изоҳларни эътиборингизга ҳавола этамиз:



Ўқитувчи (кадр ортида): — Шошқалоқова, кўлингни тушир! Ҳозир Топволдиевнинг ўзи "осмондан олиб" жавоб қайтаради.

Отахон САФАР ўғли, Самарқанд вилояти

Яхшиямки дарсга кирмаганим, бўлмасе ҳозир Болтавойнинг ўрнида мен тик турган бўлармикан?! Латифжон ЙЎЛДОШЕВ, Фарғона вилояти Олтирак тумани

ни битиради(ми)? Абдурауф ЖАЛИЛОВ, Намойи вилояти Хатирчи тумани

— Қани эди, ҳозир ким бўлса ҳам саволга жавобни айтиб берсаиди, бу жазодан қутилган бўлардим.

Ҳафиза РАҲМОНОВА, Тошкент шаҳри Сергели тумани

— Ҳафиза Раҳмонова, Тошкент шаҳри Сергели тумани

Ривоят ва ҳақиқат ФАРИШТА НОМ БЕРГАН ГҮЛ

Ривоятларга кўра, гулларнинг бирида гуллар маъбудаси Флора осмондан ерга тушиб, гулларга ном бера бошлади. Ҳамма гулларни номлаб, энди кетишга чоғланганда, қаердандир нозик товушни эшитибди:

— Мени унутма, Флора! Менга ҳам бирорт ном бер! Флора ўғирлиб қарабди. Ҳеч кимни кўрмай ўз йўлида давом этибди. Ҳа, овоз бу сафар яқиндан эшитилибди:

— Мени унутма, Флора! Илтимос, менга ном бер! Шунда Флора ўтлар орасидаги кичкина ҳаворанг гулни пайқабди.

— Майли, — депти гуллар маъбудаси, — номинг Бўтакўз бўлсин. Сенга сөхр ҳам ато этаман. Ҳа, яқинлар, юртини унутганларга хотираларини қайтаришда ёрдам берсан...

Яна бир ривоятга кўра эса саёхатчи йигит фаройиб бир юртга бориб қолади. Мамлакат меваларидан топиб кўрғач, ўз онасини, Ватанини унуттади ва бегона юрт чиройига мафтун бўлиб, ўша ерда қолиб кетади. Фарзандини узоқ вақт кутган бечора она бир дарвешдан ўғлига бўлган кўзлар гулдастасини элтиб беришни сўрайди. Тилсимланган мамлакатга етиб келган дарвеш бойликка кўмилиб ўтирган саёхатчи йигитни кўради. Дарвеш унга бўтакўзлар гулдастасини тутди. Шунда йигитнинг кўз ўнгига ўзи турган юртидаги кўллар, ўрмонлар, сўқмоқлар намоян бўлади. Чунки гуллар онасининг кўзи каби ҳаворанг бўлиб, улардан юртнинг иси келарди. Бўтакўз сабаб, йигит ватанига йўл топади. Лекин у қанчалик шўшлмасин, онасини ўлим тўшагида ётган ҳолида учратади. Она ўғлининг елкаларини силар экан, кўзларини ўғлига тикиб, ўз ота уй-

га қайтгани учун барча гуноҳларидан ўтади... Болтиқбўйи афсоналарига кўра эса бўтакўз ёридан айрилган чўпон Ликасинг қайлиғи бўлган Элгенинг кўз ёшларидан униб чиққанмиш. Шунинг учун ҳам Болтиқбўйи халқлари бўтакўз гулини хотира, дўстлик ва абадий муҳаббатнинг тимсоли санайдилар.

Бу ривоятлар кишини ўйга толдирмай қўймайди. Зеро уларда ҳақиқатнинг учкунларни ҳам бор... Дарҳақиқат, ривоят замирида ҳақиқат яширин бўлади. Ёки аксинча, ривоятдан ҳақиқат яратилади. Фикримнинг исботи учун гуллар маъбудаси ва илмий тилда ер юзидаги ўсимликлар дунёсининг битта — Флора номи билан юритилишини келтиришнинг изоҳ кифоядир.

Кўпчилик мамлакатларда ривоятлар билан боғлиқ ҳолда бўтакўз гули шарафига байрамлар ҳозир ҳам ўтказилади: Германияда "Бўтакўз гули кунин" муносабати билан мактаб ўқувчилари, дарсдан сўнг ўрмонга боришади. Улар ўрмонда қўшиқлар қўйлашади, рақса тушишади.

Англияда эса "Май ойи қироличаси" кунини нишонланади. Кўп қизлар "Май ойи қироличаси" бўлишни орзу қилишади. Францияда кадрдон дўстлар бўтакўз гулларини бир-бирига ҳада этадилар.

Азиза ИЛҲОМОВА тайёрлади

Викторина саволларига жавоб йўллайтган ёшларга яна бир бор эслатиб ўтамин. Ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балдан белгиланиб, ғолиблар умумий баллар асосида аниқланади. МуСОБАҚИНИНГ ДАВОМ ЭТАДИ! Жавоб ва изоҳларингизни кутамиз!

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012. Офсет усулида босялган. Қозғоқ бичими А-2. Босяишга топшириш вақти-20.00. Топширилди-21.00. 1 2 3 4 5 6